



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 9, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 9, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Abduraxmon Abduxalimov YANGI O‘ZBEKISTONDA TIBBIY XIZMAT KO‘RSATISH TURLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI (ANDIJON VILOYATI MISOLIDA).....	5
2. Омонулло Бўриев СОҲИБҚИРОН НАЗАРИДАН ЎТГАН ТАРИХИЙ АСАР.....	12
3. Хайрия Буриева ПУТЕВОДИТЕЛЬ НАЦИОНАЛЬНОГО АРХИВА УЗБЕКИСТАНА: СТРУКТУРА, СОДЕРЖАНИЕ, ИСТОРИЧЕСКАЯ И ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКАЯ ЦЕННОСТЬ.....	19
4. Nodira Babadjanova DINIY-MA’RIFIY SIYOSAT: QAT’IY KURASHDAN KENG BAG‘RIKENGLIK SARI.....	32
5. Davletov Sanjarbek, Bekimbetov Bahodir, OROL DENGIZINING PAYDO BO‘LISHI VA GIDROLOGIK O‘ZGARISHLARI TARIXIDAN.....	37
6. Дорошенко Татьяна ФОРМИРОВАНИЕ ПОЛЬСКОЙ ДИАСПОРЫ В ТУРКЕСТАНЕ И ЕЕ УЧАСТИЕ В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ КРАЯ (КОНЕЦ XIX -НАЧАЛО ХХВВ.).....	42
7. Axmedov Baxriddin O‘ZBEKISTONDA HARBIY SUDYALAR INSTITUTI: TAYINLASH, MALAKA OSHIRISH VA ATTESTATSIYA JARAYONLARI (2001–2016 yillar misolida).....	50
8. Akbarova Nigora FARG‘ONA VILOYATIDA MUSIQA TA’LIMI TIZIMI: MUSIQA MAKTABLARINIING TASHKIL TOPISHI VA DASTLABKI DAVRDAGI FAOLIYATI.....	60
9. Nurmetov Ismoil O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA EKOLOGIK SIYOSATNING TASHKILY-HUQUQIY ASOSLARI RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	65
10. Зарипов Жахонгир ИСТОРИОГРАФИЯ ПО МИГРАЦИИ НАСЕЛЕНИЯ В ПРОМЫШЛЕННЫЕ ЗОНЫ УЗБЕКИСТАНА 70-80-Х ГОДОВ ХХ ВЕКА.....	71
11. Polvanov Azim TEMURIYLAR DAVRI YOZMA MANBALARIDA SANCHUVCHI, KESUVCHI, VA ZARB BERUVCHI SOVUQ QUROLLAR VA ULARNING TASNIFI.....	79
12. Choriyeva Nargiza O‘ZBEKISTONDA EKOLOGIK TURIZM: HOZIRGI HOLATI, SALOHİYATI VA BARQAROR RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....	84



ISSN: 2181-9599

www.tadqiqot.uz

JOURNAL OF

LOOK TO THE PAST

ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

Омонулло Бўриев

тарих фанлари доктори (DSc), профессор

ЎзР ФА Абу Райхон Бериуний номидаги

Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

СОХИБҚИРОН НАЗАРИДАН ЎТГАН ТАРИХИЙ АСАР

For citation: Amanulla Buriev. A HISTORICAL WORK WRITTEN AT THE ORDER OF AMIR TEMUR. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 1.


<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18498711>
АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Соҳибқирон Амир Темурнинг бевосита топшириғи асосида, унинг салтанати тарихи ақс этган дастлабки ёзма манба Низомиддин Шомийнинг форс тилидаги “Зафарнома” асари ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Асарнинг “Муқаддима” қисмида бу солнома ҳижрий 804–806, рамазон (1401–1404, март) оралиғида, сарой воқеанавислари (мунший ва котиблар) илгаридан қайд этиб борган тарихга таяниб яхлит китоб шаклига келтирилгани айтилган. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” си ундан кейин Амир Темур салтанати тарихига бағишлаб ёзилган тарихий асарлар учун бош манба вазифасини ўтади.

Калит сўзлар: Амир Темур, Низомиддин Шомий, “Зафарнома”, ёзма манба, тарихий асар, Соҳибқирон, Амир Темур салтанати, “Муқаддима”, Ҳофизи Абру, тўрт улус.

Аманулла Бурiev

доктор исторических наук (DSc), профессор

ведущий научный сотрудник института

Востоковедения им.Абу Райхана Бериуни АН РУз

ИСТОРИЧЕСКОЕ СОЧИНЕНИЕ, НАПИСАННОЕ ПО УКАЗАНИЮ АМИРА ТЕМУРА**АННОТАЦИЯ**

В данной статье приведены важные сведения о сочинении на персидском языке “Зафарнаме”, созданном Низомиддином Шоми по поручению Амира Темура; это был первый письменный источник, посвященный истории его государства. В вводной части сочинения “Муқаддима” (“Введение”) указывается, что в период хиджри 804–806 гг., месяце рамазан (в 1401–1404 гг., в марте) эта летопись была собрана в одну книгу на основании историй, написанных до этого времени дворцовыми летописцами (мунши и котибами). “Зафарнаме” Низомиддина Шоми стало основным источником для исторических произведений по истории государства Амира Темура, написанных в последующие периоды.

Ключевые слова: Амир Темур, Низомиддин Шоми, “Зафарнаме”, письменный источник, историческое сочинение, Соҳибқирон, государство Амира Темура, “Введение”, Хафизи Абру, четыре улуса.

Amanulla Buriev

Doctor of Historical Sciences (DSc), Professor
Leading Researcher at the Abu Rayhan Beruni
Institute of Oriental Studies Academy of Sciences
of the Republic of Uzbekistan

A HISTORICAL WORK WRITTEN AT THE ORDER OF AMIR TEMUR

ABSTRACT

This article provides important information about the persian work “Zafarnameh”, created by Nizomiddin Shomi on behalf of Amir Temur; this was the first written source dedicated to the history of his state. In the introductory part of the work “Muqaddima” (“Introduction”) it is indicated that during the Hijri period of 804–806, in the month of Ramadan (in 1401–1404, in March), this chronicle was collected into one book on the basis of stories written before that time by the palace chroniclers (munshi and kotibs). Nizomiddin Shomi's "Zafarname" became the main source for historical works on the history of Amir Temur's state, written in subsequent periods.

Index Terms: Amir Temur, Nizomiddin Shomi, “Zafarname”, written source, historical work, Sohibkiron, state of Amir Temur, “Introduction”, Hafizi Abru, four uluses.

1. Долзарблиги:

Тарихда соҳибқирон Амир Темур яратган буюк давлат ва авлодлари томонидан давом эттирилган давлатчилик фаолияти, ундаги улкан бунёдкорлик ишлари билан Марказий Осиёда иккинчи ренессанс – Темурийлар ренессанси сифатида жамият тарихидан ўрин олди. Амир Темур салтанати тарихи ўз даври солномачилари томонидан ёзиб қолдирилган асарларда анча кенг ёритилган, айти пайтда Соҳибқирон илмий суҳбатлар ташкил қилгани, айтиқса тарих илмига қизиқиши кучли бўлгани маълум. Ҳозирги вақтда мазкур тарихни бирламчи ёзма манбалар ёрдамида қиёсий ўрганиш, темурийлар тарихи янги қираларини илмий муомалага киритиш нуқтаи назаридан долзарб масала саналади. Бу ўринда бевосита Амир Темур ҳаётлиги чоғида, унинг топшириғига кўра ёзилган Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг манбашунослик таҳлили янги қирраларни ёритиш нуқтаи назаридан муҳим ўринда туради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолани тайёрлашда ретроспектив, тарихий таққослаш, семантик таҳлил, лингвистик таржима, манбашунослик таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Ҳозирги вақтда Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари иккита кўлёзмада бизгача етиб келгани маълум. Улардан бири, 1425 йили кўчирилган ва Истанбулда “Нури Усмоғия” масжиди кутубхонасида сақланади (№3367); иккинчи кўлёзма 1434 йили кўчирилган ва Лондондаги “Британия музейи” кутубхонасида сақланган (№23980), ҳозир бу кўлёзма “Британия кутубхонаси” фондига ўтказилган (Ушбу мақола мауллифи Лондонга илмий сафари чоғида (2009 йил 4-10 март) мазкур кўлёзма билан танишиш шарафига муяссар бўлди.).

Ҳозирги илмий тадқиқотларда Низомиддин Шомий “Зафарнома” сини дастлаб матншунослик йўналишида шарқшунос Феликс Тауэр темурийлар даври машҳур тарихчиси Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асари билан қиёслаган ҳолда икки қисмда Прагада нашр этишга муваффақ бўлди (биринчи қисм - 1937 йил, иккинчи қисм – 1956 йил). Мазкур нашр асосида асарнинг Нежоти Луғол томонидан турк тилига қисқа шаклдаги таржимаси амалга оширилган (Анқара, 1949). Манбадан бир қанча таржима-лавҳалар эълон қилинган ҳам маълум.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Амир Темур ва Темурийлар тарихи бирламчи манбаларини ўзбек тилига ўгириб чоп этиш имконияти ортди ва бу йўналишда ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари томонидан Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарининг биринчи марта тўла илмий изоҳли ва кўрсаткичлар билан

таъминланган ўзбек тилига таржимаси амалга оширилди [1]. Манба бўйича қиёсий матншунослик тадқиқотлари давом этмоқда [2, 7-9 б.].

3. Тадқиқот натижалари:

Низомиддин Шомийнинг ҳаёти бевосита Амир Темурнинг ҳукмдорлиги даврига тўғри келади; дастлабки учрашуви, Амир Темур 1393 йили Бағдодни эгаллаганда, пешвоз чиқиб кутиб олган пайтида юз берган. Ундан сўнг, ҳажга сафари чоғида Шом (Сурия)нинг Ҳалаб шаҳрига етиб борган вақти Амир Темур шаҳарни эгаллаган пайтга (803 йил 11- рабиулаввал /1400 йил 30 октябрь – [3, 374 б-варақ; 8, 15-17 б.; 24-25 б.; 10, 480 б.; 11, 64 б.] тўғри келади ва темурийлар даври машҳур тарихчиси Ҳофиз Абру келтирган маълумотга кўра, Соҳибқирон у билан илиқ суҳбатда бўлган [3.II, P.160].

Ҳалаб шаҳридаги учрашувдан сўнг орадан бир йил чамаси ўтгач, 804 (1401) йили Амир Темур Низомиддин Шомийни ҳузурига чорлаб, унга салтанати тарихини ибтидосидан бошлаб ёзишни топширади. Низомиддин Шомий мазкур тарихни 806 йил, рамазон / 1404 йил мартгача етказиб баён қилгани ҳақида “Зафарнома” асарининг “Муқаддима” қисмида эслатиб ўтади [3.II, P.22].

Ушбу келтирилган санадан, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари хижрий 804–806, рамазон (1401–1404, март) оралиғида ёзилганлиги маълум бўлади. Унда воқеалар баёни Амир Темур етти йиллик юришни якунлаб, Аррон Қорабоғида лашкар билан ҳордиқ чиқариб турганида тугайди.

Манбанинг ўзида келтирилган маълумотдан келиб чиқиб, асар якун топган сана тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин. Низомиддин Шомий “Зафарнома” сининг охирида Соҳибқирон Аррон Қорабоғида катта ҳашамат билан овга чиққанлиги ҳамда бу воқеа рамазон ойининг тўққизинчи куни (1404 йил 21 март) бўлганлиги қайд этилган [3.II, P.294]. Ушбу маълумотга таяниб, мазкур санани Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарида Амир Темур салтанати тарихи воқеалари баёни якунланган аниқ вақт, деб қабул қилса бўлади.

Тарихчи мазкур воқеадан кейин ҳам яна қисқа муддат Амир Темур ҳузарида бўлган ва бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида хабар беради. Унда ёзилишича, хижрий 806 йил 14 рамазонда (1404.27.03) Амир Темур етти йиллик юришни муваффақиятли якунлаб, Қорабоғда қишлоқдан отланиб Самарқанд томон йўл олади. Арас (ҳозирги номи Аракс) дарёсидан кўприк боғлаб ўтиб, дарё бўйида Соҳибқирон яратган Барлос ариғи қишлоқларидан саналмиш Неъматобод қишлоғи атрофида тўхтади. У ердан Оғлуқ дарёси бўйидаги Балоравад деган жойда бир неча кун дам олади. Ўша ерда рамазон ҳайитини ўтказди. “Шанба кунига тўғри келган ҳайит намозини ўз замонининг етук фозилларидан бўлмиш, ҳазрат Соҳибқирон давлати тарихини ёзган мавлоно Низомиддин Шабни (Шомий), барча қоидаларни адо этган ҳолда, ўқиб берди”, - деб ёзади Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда. [4, 449б-450а-варақлар]. Хижрий 806 йил рамазон ҳайити милодий ҳисобда 1404 йил 12 апрель шанба кунига тўғри келади. Ушбу апрель ойида Соҳибқирон Самарқандга сафарни давом эттириб, Низомиддин Шомий ўша ерда у билан хайрлашган дейиш мумкин.

Асар ёзилган муддат анча қисқа бўлган, аниқроғи уч йил давомида ёзилгани маълум бўлади, лекин бир муҳим томони, ушбу тарих, яъни Шомий “Зафарнома”си Амир Темур ҳаётлиги чоғида яратилган.

Низомиддин Шомий мазкур асарни ёзишда қайси манбаларга таянилганини аниқлаш ҳам манбашунослик нуқтаи назрдан муҳимдир. Амир Темур давлати тарихини ёзишга анча илгаридан киришилгани ҳақида Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарининг “Муқаддима” қисмида: “...бу абадиятга улангур давлатнинг бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган тарихини онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо улар ҳали муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан”, - деб хабар беради [3.II, P.22]. Яъни муаллиф унча Амир Темур давлати тарихи ёзилганини таъкидлаб ўтган. Кимлар ёзган, нимани ёзган, деган савол пайдо бўлади. Низомиддин Шомий “Зафарнома” си “Муқаддима” сидаги маълумотдан, бу саволга жавобни Амир Темурнинг ўзи берган. Унда Соҳибқирон тарихчи Низомиддин Шомийга давлати тарихини ёзишни топширганида: “Шу пайтгача хизматидаги мунший ва котиблар бу тарихни ёзганлари, бироқ улар талаб даражасидаги яхлит китоб шаклига

келтирилмаганини, таъкидлаб ўтади” [3.II, P.5] ва Шомийга уларни йиғиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб-боб қилиб тартиб беришни ҳамда содда ва аниқ услубда баён қилишни вазифа қилиб топширади. [3.II, P.22-23].

“Бинобарин, [камина] жидду жаҳд камарини жон белига боғлаб, бу абадиятга улангур давлат қарор топган даврдан ҳозиргача (806 йил рамазон – 1404 йил март ойи) кечган воқеалар, рўй берган ҳодисаларнинг шоҳиди бўлган ёзиб олувчи (қотиб)лар ва қўним жойлардаю сафарларда воқеа-ҳодисаларни кўриб, қайд этиб борган мулозимлар (битикларига) тақаллуфу безакларсиз, софу пок иборалар либосини кийгазишни ва уларни тартибга солиб, бобларга ажратиб, изчиллик билан аниқлаб таҳрир қилишни ўзимга лозим, деб ҳисобладим” [3.II, P.22-23].

“(806 йил) рамазон ойи кириб, илоҳий ҳукмларни тузувчи муншийлар янги ой туғросини осмоннинг мовий чехрасига тортгач ва – сизларга рўза тутиш буюрилган- деган фармонни барчага ўқигач, шу ойнинг саккизинчисида (1404 йил 20 март) шанба кечаси диёнатли мағфур шаҳзода Муҳаммад Султоннинг, Аллоҳ унинг қабрини пок этсин жойини жаннатда қилсин, – вафотига бир йил тўлиши муносабати билан олий ишорат бўлдики, унинг пок руҳини янгитдан хайриялар ва садақалар улашиш билан хуррам ва масрур қилгайлар ҳамда барча учун дастурхон ёзиб, халойиққа ош бергайлар.

Сайидлар ва шариф зотлар, уламолар ва имомлар ўз эътиборларига қараб саф кетидан саф тузиб ўтирдилар. Қуръонни хатм этиш ва оятларни тиловат қилиш билан машғул бўлдилар. Сўнгра омма учун дастурхонларни ёздилар-да, хайрли дуолар билан хатм қилиб, шаҳзоданинг пок руҳини шодмон этдилар, Амир Соҳибқироннинг абадиятга улангур давлати бақосини зорий ва тазаррулар билан тангри таолодан сўрадилар.

Б а й т :

Бу дуомиз рад бўлмагай, зероки

Унинг нафи барча халойиққа етгай.

Сўнгра ҳар бир фирқа ўз турган жойи ва юридан шикор жиргаси учун ҳаракатга келиб, тоғ ва саҳроларни ўраб олсинлар, саҳродаги барча ҳайвонларни Ақдон ерларигача ҳайдасинлар, деб лашкарга жар солдилар Амир соҳибқироннинг ўз муборак зоти ўша (рамазон) ойнинг тўққизинчиси (1404 йил 21 март) панжшанба куни зуҳра жабин хотинлар, муштарий кўринишли жориялар, моҳпайкар шаҳзодалар, лашкарнинг собита юлдузлари бўлмиш амирлар, аторудшиор вазирлар, миррих қудратли сипоҳийлар, қуюндек сайр этувчи отлар, шер савлатли итлар, палангдек ташланувчи (ов) қоплонлари, тоғ ҳайбатли филлар ва анқо қушини ҳам ов қилувчи лочинлар билан виқор ва комкорлик кийимида, улуғлигу подшоҳлик чодирисида шуқуҳидан тоғлар чекинадиган, отлари туёғининг наълидан ер темир сатҳига ёстанадиган аскарлар ҳамкорлигида бахтли соатда отланиб жўнади: зафар ўнгида-ю, нусрат сўлида, саодат куёши порлагану бахт юлдузи чакнаган, қудрат жилови қўлидаю давлат оёғи қахрамонлик узангисиди бўлган бир ҳолатда у саҳроларда айшу шодмонлик билан умид-орзуларни ушалиш ниҳоясига етказдилар, саҳро жониворлари қонидан сабззорларни лоззорга айлантirdилар, оч йиртқичларга чўлу биёбон ваҳшийлари гўштидан зиёфатлар тайёрладилар, баландпарвоз хумо қушларига тўғрул қушию лочинлар устухонларидан дастурхонлар ҳозир қилдилар.

Шу миёнада Бухоро, Самарқанд ва бошқа Мовароуннаҳр шаҳарларидан келган сайидларнинг катталари, уламолар ва имомларни подшоҳона анвойи хушнудликлару турлитуман эътибор билан тақдирлаб, шоҳона хилъатлар, йўрға отлар, олтин, жома ва либослар, салла ва молу маноллар билан сийлади... Улар саною ташаккурлар айтиб, ўз вилоятларига қайтдилар” [9, 376-377 б.].

Яна бир муҳим томони, асардаги маълумотларнинг 1401–1404 йилларга тегишли қисмида Низомиддин Шомий бевосита Амир Темур хизматида бўлган ва кечинмаларни ўз кўзи билан кўрганларига асосланиб ёзган. Жумладан, Амир Темурнинг 806 йил муҳаррам ойида (1403 йил, июль-август) Гуржистонга юришини тавсифлаганда: “Бу банда (Низомиддин Шомий) у муборак сафарда фармонга биноан олий узангига мулозим эдим”, – деб қайд этади [3.II, P.361].

Низомиддин Шомий Амир Темур ҳақида ёзган асарига бирор ном қўйгани асарнинг ўзида қайд этилмаган, фақат бир неча марта “бу китоб” деган жумлани ишлатади. Мазкур манбага “Зафарнома” деган ном биринчи марта Ҳофизи Аbru ушбу асарга ёзган илова (“Зайл”) да берилган [7, 380-404 б.], аниқроғи, унинг сарлавҳасида Низомиддин Шомийнинг “Зафарномаи шохий” (асари)га илова номли сарлавҳа остида қайд этилган [3.П, Р.380]. Мазкур илова 1404 йил март ойидан 1405 йил февраль ойигача оралиқда соҳибқирон Амир Темур салтанатида кечган воқеалар тафсилотлари баёнидан иборат.

Таркиб жиҳатдан олиб қараганда Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асари лўнда “Муқаддима” ва бевосита Амир Темур давлати тарихини ўз ичига олган икки қисмдан иборат ва бу услуб кейинги ёзилган шу йўсиндаги тарихлар учун андаза вазифасини ўтади.

Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида “Муқаддима” юқорида келтирилганидай, жуда қисқа берилган. Унинг сабабини муаллиф, сўзни Чингизхон тарихидан бошлаб ёзилса, кечинмалар батафсилроқ бўлиши, лекин мазкур қисса тарих китобларда яхши ёритилгани сабабли, у ҳақда тўхталишга зарурат йўқлиги билан изоҳлаган ва бевосита Амир Темур давлати хусусида сўз юритган. Лекин асосий мақсадга ўтишдан олдин, зарур маълумотнома сифатида, Чингизхоннинг тўртта ўғли (Жўчи, Чиғатой, Ўқтой, Тўли) эгаллаган ҳудудларда уларнинг наслидан ҳукмдорлик тахтини эгаллаган шахсларнинг исмларини рўйхат шаклида келтирган. Сўнгра Амир Темурнинг сиёсий майдонга келганлиги воқеалари баёнига ўтилган.

Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида Амир Темур давлати тарихи баёни бошланишида Мўғуллар давлатида Чингизхоннинг тўрт ўғли – Жўчи, Чиғатой, Ўқтой, Тўлига тегишли тўрт улусни бошқарган ҳукмдорлар рўйхати қуйидагича келтирилган [6, 25-26 б.]:

Хитойда подшоҳлик қилганлари сони ўн тўрт кишидир: 1) Ўқтой қоон, 2) Куюк қоон, 3) Мунка қоон, 4) Тўлининг биродарзодаси (жияни) Кубилай Чичон, 5) Тўлининг набираси Темур қоон. У подшоҳ бўлган пайтда номини Улжойту деб атаганлар. 6) Қишлоқ қоон, 7) Қишлоқ ўғли Тўқта қоон, 8) Тулак ўғли Хон Тойзий. У салтанат (тахтига) ўтирганда номини Йўлақту деганлар. 9) Оюширин Доро қоон, 10) Дўкқуз Темур қоон, 11) Ясудор қоон, 12) Анка қоон, 13) Илик қоон, 14) Элчи Темур қоон, агар худо хоҳлаб подшоҳлик унга етса подшоҳликка лойиқдир.

Дашти Қипчоқда подшоҳлик қилганлари сони йигирма бештадир: 1) Жўчи, 2) Боту, 3) Беркашон, 4) Сойинхон, 5) Йусун Мунка, 6) Тўкташон, 7) Ўзбекхон, 8) Жонибекхон, 9) Бердибекхон, 10) Келдибекхон, 11) Наврўз, 12) Черкас, 13) Хизрхон, 14) Муруд, 15) Бозорчи, 16) Соси Нукой, 17) Нукойнинг жияни Туғлуқ Темур, 18) Туғлуқ Темур биродари Мурухожа, 19) Қутлуғхожа, 20) Ўрусхон, 21) Тўктақий, 22) Тўмқон Темур Малик, 23) Тўктамишхон (Тўхтамишхон), 24) Темур Қутлуғ, 25) Шодибек.

Ироқда подшоҳлик қилганлари (асарнинг бошқа қўлёзмасида аниқлик киритилган: Озарбайжон, Форс, Кермон, Хуросон ва Эроннинг ғарби деб ёзилган) сони ўн тўрт киши бўлган: 1) Тўли ўғли Хулоқхон, 2) Хулоқу ўғли Абоқохон, 3) Абоқохон биродари Аҳмадхон, у ислом динини қабул қилган эди, 4) Абоқохон ўғли Арғунхон, 5) Арғунхон биродари Кехотухон, 6) Бойдухон, 7) Ғозонхон, 8) Улжойтухондирки, уни Муҳаммад Худобанда дейдилар, 9) Абу Саъид Баҳодирхон, 10) Арпа – Арпабўканинг қариндоши, 11) Мусохон, 12) Йўл Қутлуғ ўғли Султон Муҳаммад, 13) Жўчининг Хуросондаги қариндоши Тағой Темурхон, 14) Сулаймонхон.

Чиғатойхон элида подшоҳлик қилганлар ўттиз бир киши: 1) Чиғатойхон, 2) Чиғатой ўғли Йусун Мунка, 3) Қаро Хулоқу, у подшоҳлик пайтида вафот этди. 4) Қаро Хулоқу хотини Арғина, 5) Бойдор ўғли Алиқу, у Арғина хотинни ўз никоҳига олган эди, 6) Қаро Хулоқу ўғли Муборакшоҳ, 7) Бароқ, 8) Широмон ўғли Некипай, 9) Тағой Темурхон, 10) Даво Чечан, 11) Даво ўғли Кунчакхон, 12) Бўри ўғли Толиқу, 13) Даво ўғли Эсан Буғо, 14) Даво ўғли Кепакхон, 15) Даво ўғли Элчикдойхон, 16) Даво ўғли Дура Темурхон, 17) Даво ўғли Тармаширинхон, 18) Эбукин ўғли Жингши, 19) Эбукин ўғли Йўсун Темурхон, 20) Ўқтой қариндоши Али Султон, у ноҳақ равишда подшоҳлик тахтига ўтирди, 21) Пўлод ўғли Муҳаммад, у Кунчакхоннинг набираси эди, 22) Ясувар ўғли Қазон султон, 23) Ўқтойнинг

кариндоши Донишмандча, у подшоҳликка етишмади, 24) Сурғату ўғли Баёнкули, 25) Йўсун ўғли Темуршоҳ, 26) Эмилхожа ўғли подшоҳ Туғлуқ Темур, 27) Туғлуқ Темур ўғли Илёсхожа, 28) Дурчи ўғли Кобул Султон, 29) Муҳаммад ўғли Одил Султон, 30) Суюрғатмишхон, 31) Суюрғатмишхон ўғли Маҳмудхон, Аллоҳ таоло ер юзида унинг мулки ва султонлигини барқарор этсин.

Низомиддин Шомий “Зафарнома”сида тўрт улусдаги ҳукмдорлар исмлари рўйхат шаклида санаб ўтилган ва уларнинг умумий сони Улуғ Юртда – 14 та, Дашти Қипчоқда – 25 та, Эронда – 14 та, Туронда – 31 та. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида тўрт улусдаги ҳукмдорлар тарихи анча батафсил ёзилган ва 831/1427-1428 йилгача етказилган. Уларнинг умумий сони Улуғ Юртда – 15 та, Дашти Қипчоқда – 32 та, Эронда – 16 та, Туронда – 32 та.

Маълумотларни бошқа манбалар билан қиёсий ўрганиш орқали матншунослик жиҳатдан аниқлик киритиш мумкин. Масалан, Тўрт улус тарихи Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг “Муқаддима”қисмида, Чингизхон ўлимидан кейинги воқеалар таркибида берилган. Иккала асардаги фарқ шундаки, Низомиддин Шомий “Зафарнома”асарида: “Улуғ юрт”да, яъни Хитойда” деб, қисқа изоҳ берган, яъни у “Улуғ юрт” билан “Хитой”ни битта ҳудуд деб ҳисоблайди. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”сининг “Муқаддима”сида “Улуғ юрт” топонимига анча кенг таъриф берилган:

“Чингизхоннинг Улуғ юрти Калўрон ва Қорақурумдан иборат бўлиб, Ўрдубалиғ номи билан танилган. Унда подшоҳлик қилган султонлар ўн бешта бўлганлар. Дастлабкиси Ўктой-қоон бўлган”. Бошқача қилиб айтганда, Шарафуддин Али Яздий “Улуғ юрт”ни ҳозирги Монголия ҳудудида кўрсатиб, муҳим аниқлик киритган [12, 3-19 б.].

Низомиддин Шомий ўз асарида қўллаган мазкур услуб кейинги сулолалар тарихини баён қилишда тарихда алоҳида тизим шакли бўлиб қолди (Масалан: “Тўрт улус тарихи”).

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида Амир Темур ҳақидаги воқеалар Соҳибқироннинг сиёсий майдонга келганлигидан бошлаб баён қилинган ва бошқа тарихи манбалардан фарқ қилади. Масалан, Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”асарида Амир Темур ҳақида унинг туғилишидан бошлаб ёзилган [5, 19-34 б.].

Умуман олганда, тарихий воқеалар баёни Шомий “Зафарнома” сида Амир Темурнинг 1404 йили Қорабоғда тургани воқеаларида тугайди ва кейинги тарихий кечинмалар Темурийлар даври бошқа манбаларидан ўрин олган.

Iqtiboslar/Сноски /References:

1. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи – Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатлар тузувчи – Ҳабибулло Кароматов (географик номлар изоҳи – О.Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг “Зафарнома”сига ёзган “Зайл”и – (“Илова”) ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – Омонулло Бўриев. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. Б.528.

2. Omonullo Bo'riyev. Nizomiddin Shomiy va Sharafuddin Ali Yazdiy “Zafarnoma” asarlari tarkibining qiyosiy tahlili /Temuriylar davrida ilm-fan va madaniyat rivojini o'rganish va targ'ib qilishning umumbashariy ahamiyati / Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 13-kitob. – Toshkent: “Innovation rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2024. – 196 b.

3. Zafarnama par Nizamuddin Sami. Edition critique par Felix Tauer. Tome I: Texte persan, Praha, 1937; Tome II: Introduction commentaires, Index, Praha, 1956.

4. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома (фотофаксимил нашр). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А.Ўринбоев. – Тошкент: “Фан”, 1972. – 439 varaқ.

5. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”. Мовароуннаҳр воқеалари, 1360-1370. Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А.Ўринбаев. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи О.Бўриев. – Тошкент: “Камалак”, 1994. – 288 б.

6. Низомиддин Шомий. “Зафарнома”. Форс тилидан ўгирувчи-Юнусхон Ҳақимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир-Асомиддин Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи - Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи - Омонулло Бўриевники), Ҳофизи Абрунинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и- (“Илова”)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи - Омонулло Бўриев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – 528 б.

7. Низомиддин Шомий. “Зафарнома”. Ҳофизи Абрунинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и- (“Илова”)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи-Омонулло Бўриев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – 380-404 б.

8. Бўриев, Омонулло. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. [Матн] Монография. О.Бўриев. – Тошкент: “Mumtoz So‘z”, 2017. – 352 б. [Харита ва илл.].

9. Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома”. Муқаддима. 1-китоб. // Форс тилидан таржима, сўзбоши ва илмий изоҳлар мауллифи Омонулло Бўриев. Шахс исмлари, жой номлари, этник номлар ва атамалар кўрсаткичини тузувчи Азизжон Шарипов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти давлат корхонаси, 2020. – 352 б.

10. Амир Темур. Библиография. Биринчи китоб // Тузувчилар: Х.Файзиев, О.Бўриев, А.Раҳматуллаева, А.Шарипов., З.Ш.Бердиева, С.Б.Улжабоева, А.Авазов. Масъул муҳаррирлар: Х.Файзиев, О.Бўриев. – Тошкент: “Фан”, 2021. – 480 б.

11. Бўриев, Омонулло. Иброҳим Султон: матн / О.Бўриев. Лойиҳа муаллифи М.Али. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2023. – 64 б.

12. Во‘риев О. “Tarixi arba’ ulus” asarining manbaviy-qiyosiy tahlili // “Mirzo Ulug‘bek – buyuk mutafakkir, alloma va davlat arbobi” xalqaro ilmiy-amaliy anjuman (2024 y., 14-15 may) materiallari. – Toshkent: O‘zMU, 2024. (- 989 b.). – 13-19 b.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Maqolani tayorlashda qo'yiladigan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida minimal 6 sahifadan iborat bo'lib, Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan holda bo'lishi shart.
2. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
3. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qator muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni, e-mail va telefon raqami, uchinchi qator sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
4. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida 60 so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
5. Keyingi qatordan 7-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
6. Keyingi qatordan asosiy matn boshlanadi va maqola 4 qismdan iborat bo'ladi: Mavzuning dolzarbligi. Metodlar va o'rganilganlik darajasi. Tadqiqot natijalari. Xulosa.
7. Maqolalar ilmiy ahamiyatga ega bo'lib, ulardagi fakt va fikrlar asoslangan hamda mustaqil ma'no kasb etishi lozim, plagiat holati taqiqlanadi. Muallif foydalanilgan adabiyotlarni aniq ko'rsatishi, olingan iqtiboslarning aniq manbalarini keltirishi lozim.
8. Web of science hamda Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.
9. Iqtiboslar matn ichida [1, 25] beriladi. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 6 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 12 кегль, 1 см, со всех сторон 2 см.
2. Начала абзаца - 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от правой стороны Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи. Эта информация должна быть предоставлена на узбекском, английском и русском языках.
4. В следующей строке аннотация из 60 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова 7-10.
6. Далее начинается основной текст. новой текст начинается со следующей строки, и статья состоит из 4 частей: актуальность темы, методы и уровень исследования, результаты исследования, заключение.
7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должен быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.
9. Цитирование приводится в тексте [1, 25] Полный список литературы должен быть указан после основного текста, а алфавитном порядке.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 6 pages, in Times New Roman, 12 pt., 1 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The author's full name should be on the first line from the right; the author's place of work, position, academic degree, and academic rank, email address, and phone number should be on the second line; the article title should be centered in bold, capital letters, on the third line. This information should be provided in Uzbek, English, and Russian.
4. An annotation of 60 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages 7-10.
6. The next line begins with the main text. The main text begins on the next line, and the article consists of four parts: the relevance of the topic, the methods and level of research, the results, and the conclusion.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. Seals and references should be in the main text [1, 25].